

— Уни жазолаш керак! Отиб ташлаш керак! Жойи жаханнамда!

Эркаклару аёллардан жам бўлган оломон арзу самони ларзага келтириб бакирарди. Оломоннинг олдида эса, кўллари боғланган кадди расо, бўйдор бир кимса бошини баланд кўтарганча бир-бир кадам босиб борарди. У келишган йигит эди. Шу билан бирга унинг магрур кийфасида атрофидаги бакирокларга нафрат ва газаб акс этиб турганини хам кўриш мумкин эди.

Бу йигит... фукарога жабр килди. Ана энди у жазосини олиши керак. Уни албатта катл этадилар.

“Начора? — деди у ўзига ўзи, — бир бошга бир ўлим дейдилар. Такдири азалда ёзилгани шу бўлса, нима хам килардик?” Йигит хамон кўчани бошига кўтариб шангиллаётган оломонга кинояли илжайиб караб кўйди. Оломон кий-чув килиб уни катл майдони томон хайдаб борарди.

Катл майдонига хам етай деб колдилар. Шу пайт издихомнинг этакрогидан бир болакайнинг хикиллаб йиглагани эшитилди. Олти ёшлардаги бир бола оломонни тирсаклаб ёриб ўтмокчи бўлар, “Дада! Дадажон! Каёкка кетаяпсиз? Тўхтанг! Мени хам олакетинг!” деб йигларди. Норасида гўдакнинг ноласи таъсир килдими, халойик бир лахза жимиб колди, сўнг гайритабий бир кучга дуч келгандай, беихтиёр болакайга йўл берди. Болакай чириллаб йиглаганча тобора отасига якинлашиб борарди.

— Муштдеккина экан бечора! — деди бир аёл болага караб.

— Сенга ким керак, болакай? — деб сўради яна бир хотин, унинг бошини силаб.

— Дадамнинг олдига бораман! — деди бола чириллаб, — мени кўйворинглар, дадажонимнинг олдига бормокчиман...

— Ёшинг нечада, болакай?

Ўгил саволга савол билан жавоб берди:

— Дадамини нима килмокчисизлар? Нега унинг кўлларини боглаб кўйдинглар?

— Хой бола, оёк остида ўралашмай уйингга жўна, онанг излаб юргандир?

Асир йигит ўглининг илтижосини хам, мужикнинг уйингга жўна, деган гапини хам эшитган эди. Ўгли ўрнига ўзи жавоб берди:

— Унинг онаси йўк, етим, — деди ковогини солиб. Бола эса, оломонни оралай-оралай, нихоят, отасининг олдига бориб олди. Кўлларига осилди. Сийналари кахрга тўла тўда хамон, уни осиш даркор, йўк, отиб ўлдириш керак, дея хайкирарди.

— Болам, нега бу ёкка келдинг, уйга бор, — деди ота.

— Нега бу кишилар сизни боглаб кўйишибди? Нима килишмокчи? — деб сўради ўгил.

— Ўглим, сенга бир маслахат бор.

— Нима килай, дада?

— Катюшани биласан-а?

— Кўшнимизми? Биламан.

— Сен хозир ўша Катюшаларникига боргин-да, ўтириб тур. Мен ортингдан етиб бораман, хўпми?

— Сизни ташлаб хеч каёкка бормайман! — деди бола ва хўнграб йиглаб юборди.

— Нега унака дейсан? Ахир айтдим-ку, мен... изингдан етиб бораман, деб.

— Ёлгон. Улар сизни ўлдиришмокчи. Хали эшитмадингизми?

— Йўг-е, унчалик эмас. Улар... улар менга зиён етказишмайди.

Банди йигит ўглини ерга кўйди ва халойикка етакчилик килиб бораётган кишининг

олдига борди.

— Менга каранг, биродар, — деди банди, — мени кай йўсинда, қачон ўлдирсанглар ҳам розиман. Факат бу иш мана шу боланинг кўз ўнгида бўлмасин. Илтимос, икки дақиқага кўлларимни ечиб кўйинглар. — Кўркманг, кочиб кетмайман. Мен ўғлимга бу амакинглар менинг оғайниларим бўлади, биз сайрга чикканмиз, дейман. Шунда ўғлим уйга кетади. Кейин, майли, канакасига катл этсанглар ҳам туриб бераман.

Оломон сардори бандининг илтимосига рози бўлди. Ота ўглининг ёнига кайтди.

— Болам, бор энди, уйга бориб Катяларникида ўтириб тур.

— Сиз-чи, сиз нега мен билан кетмайсиз?

— Булар менинг оғайниларим бўлади. Биз бир пас айланамиз, кейин мен ҳам уйга кетаман. Мана, кўрдинг-ку, кўлларим ҳам ечилган. Боракол.

Болакай отасининг юзига тикилиб ўйланиб қолди. Кейин ишонкирамай деди:

— Ростдан ҳам уйга борасизми?

— Бораман дедим-ку, ўғлим, албатта бораман.

Бола ортига қарай-қарай истамайгина жўнади. У кўздан гойиб бўлгач, банди йигит сардорга қараб деди:

— Энди мен ўлимга тайёрман, кани бошласинлар.

Шу пайт ақл бовар қилмайдиган мўъжиза рўй берди. Хозиргина томоқларини йиртгудек бўлиб бировга ўлим тилаётган бешафкат одамларнинг кўнгли бирдан юмшади. Уларнинг кўксига кишини ўйга толдирадиган илохий бир нур пайдо бўлган эди. Битта аёл аста гап кўшди:

— Менга қолса... унинг гунохидан кечиш керак.

Аёлни қимдир қувватлади:

— Яратган Эгам раҳмдил бўлинглар, деган. Бу йигит ҳам Худонинг осий бир бандаси.

Келинлар, кўйвора қолайлик...

Бирор соатдан бери “Осилсин! Отилсин!” деб хайкираётган халойик энди жўровоз бўлиб, “Кўйворилсин! Гунохи ўзига!” деб қичкира кетди. Магрур банди йигит эса, кўллари билан кўзларини бекитганча йиглаб юборди. У оломонни ёриб ўтди ва қалласини осилтирганча уйига, ўглининг олдига елиб кетди.

**Саъдулла Сиёев таржимаси**